

Шеробод туманда Ички ишлар бўлими ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун Қўғирчоқ театри ташкил этилди



Ушбу ойлик доирасида “Китобхонлик”, “Театр, музей ва кино”, “Маданий ва маърифий тадбирлар”, “Интеллектуал тадбирлар” ҳамда “Спорт тадбирлар” бўйича ҳафталик тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан, бугун, 27 май куни Шеробод туманидаги Маданият ва туризм бўлими биносида Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Ангор, Қизириқ, Бандихон ва Бойсун тумани Ички ишлар бўлими ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун вилоят Қўғирчоқ театрининг маҳоратли санъаткорлари ижросида “Огоҳ бўлинг бахт сизники” номли спектакли намоиш этилди.